

Имдат Авшар

Совуқ туш



Имдат Авшар

СОВУҚ ТУШ

Ҳикоялар

“Kamalak” *нашриёти*
Тошкент-2015

УЎК:821.512.133
84(5Тук)А24

Авшар И.Совуқ туш./ Ҳикоялар.
И.Авшар –Тошкент. “Kamalak” нашриёти, 2015 йил.
112 бет.

Бу тўпламга таниқли туркиялик ижодкор Имдат Авшарнинг бир неча ҳикоялари жамланган.

Унда сиз турк халқининг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий кадриятлари билан яқиндан танишасиз.

КБК 84(5Ў)7

Масъул муҳаррир: **Тоҳир ҚАҲҲОР**,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ISBN 978-9943-4372-4-1

© Имдат Авшар
©“Kamalak” 2015 й.

БАҲРИ УСТА

Али Оқбошга

Чўлнинг салқин кечаларида титроқ қандиллар каби порлайди юлдузлар. Узокдан элас-элас ноғора товуши келарди.

Бирдан ўқ товушидан ингради кеча...

Тўйбоши Али Човуш ҳассасига таяниб, шошиб ўрнидан турди:

– Эй воҳ! – деди, – келишяпти, куда одамлари келаяпти...

Қанчадан–қанча тўйлар кўрганди, ўтказганди Али Човуш... Бир жуфт ноғора билан таклиф қилинганларни қарши олар, нуфузли меҳмонларнинг кўнглини кўтарар, кузатиб қўярди.

Қанча уйга кўзи ёшли, оқ либосли келин туширган, қанча куёв болани гўшангага киритганди. Ўқ товушларини эшитгач, андишаланди, ўнгга, чапга кўрсатмалар бера бошлади:

- Қуда томон одамлари келаяпти! Ошпазни уйғотинглар, дастурхончини чақиринглар, егуликлар тайёрни? Хизматчилар шай турсин, абдал*ларни йўлга чиқаринглар, тайёрни абдаллар?

Али Човуш ҳассасини ерга ура-ура айланди, куёв хонадонини тартибга чақирди. Ким нима қилиши кераклигини тушунтирди, бирма-бир хизматчиларга бақирди:

– Куёв уйидан эллик метр олдинга чиқаринглар ноғорасурнайни! Келаётганлар куда одамлари! Уларни йўлда кутиб олиш керак. Эртага келин туширамиз. Келин қизнинг ака-укалари йўлда қийналишмасин. Қани, иснодга қолиб ўтирмайлик, қароғларим.

Кўзлари катта очилганди тўйбошининг. Ҳассасини судраб ноғорачи Аслон билан сурнайчи Акрамнинг ёнига борди:

– Бўш келманглар, – деди, – қиз уйининг ноғораси овозини бостиришлар, гумбур-гумбур чалинг кутиб олиш навосини. Аслон, кўзингдан ўргилай, ноғорани Усмоннинг олдида чал. Усмон бу, ўзинг ҳам биласан, тасаддук. Фейли бузуқ отга ўхшайди, олдидан борганни тишлайди, орқадан келганни тепади...

**Абдал – бошқалар хизматини қилиб кун кўрувчи дарвешлар тоифаси, қавм.*

Али Човуш куёв томон хизматчиларни ҳам ноғоранинг кетидан сафлади.

– Келганларга жой кўрсатинглар, – деди. – Бир айтганларини икки қилманглар. Хизматда камчилик бўлмасин, болалар. Билиб қўйинглар! Тентак Усмоннинг айтганини қилинлар, тасаддуқлар, тўйхонани бошимизга ағдариб ўтирмасин.

Қуда томон одамлари тавозе билан келишарди куёв уйига. Уларнинг ҳурматини жойига қўйиш Али Човушнинг иши эди. Қудаларнинг чексиз истакларига бўйин эгар, ёз куни қиров, қиш куни балиқ ва августда қор, январда баҳор... нима истаса бажо келтирарди. Келинни эсон-омон тушириб олиш учун галвирда сув ташир, шаъм алангасида чой қайнатарди...

Ноғорачи, сурнайчи, хизматчиларни куда одамларини кутиб олиб жойлаштирган тўйбоши ҳассасини судраганича келиб, ёнғоқ дарахтининг танасига суянди. Афтидан қандайдир андишаси борлиги сезилиб турарди.

– Куда одамлари эшикда турибди! Ҳамма нарса тахтми?– дея қайтадан сўради ва тандирхона томонга ўтди.

Бунақанги қанча кечани ўтказганди Баҳри Уста. Дард ўлчар, ғам торгарди бундай оқшомларда. Али Човуш тандирхонанинг эшигини очар-очмас Баҳри Уста ўрнидан турди. Кўзларини Али Човушга қадади.

– Тайёрмиз Али Коо, тайёрмиз. Ташвишланманг, тақсирим,– деди. – Тандирхонанинг ғиштин деворига суяниб, бошини елкасига туширган йигитга юзланди:

– Тўфон, қудалар келаяпти, тур ўрнингдан, – деди. Али Човушга ўгирилди: – Али Коо, тангри мададкор бўлиб, эсон-омон ўтказиб оламиз. Энди мана бу тентак йигитлар арқондан бўшаган буқадай киради куёв хонадонига. Эртага кўз-кўзга тушади, дейишмайди. Синдириб ташлашади ҳаммаёқни. Аввалдан шунақамиди, қурбонингиз бўлай, оғам. Оғалар ҳам, оғанинг болалари ҳам расм-русум, урф-одатга амал қиларди. Оғир-вазмин ўтарди тўй-тантаналар. Кичиклар катталарни сийларди. Оох! Сўзи қиличдай ўткир беклар бор эди эскидан. Қон оқса, оқаётган қонни тўхтатишарди бир сўз билан... Тўйларнинг ҳам ўзига яраша маза-матраси бўларди. Оғанинг

болалари ҳам ўзига яраша эди. Оталари Дадалўғли, Кўрўғли, Карамни сўрарди. Ҳавас билан созлардик торнинг симларини. Бирам ширин овозлар янграрди торнинг симларидан. Давралар шундай кизирдики, тор ёнар, сўз эрирди. Аввал ҳам бор эди ишқ жинниси ёшлар, аммо бунақа ошқора бўлмасди шайдолик. Ишқнинг сири билан, кўнгилнинг бири билан бўлишини биларди эскилар. Энди бўлса...

– Энди ўзгарди, Баҳри уста, эски тўйлар қаерда қолди, қайда эски шайдолик...

– Қурбонинг бўлай Али Коо, юзим оёғинг остида, наслдан шундай келганми ё бу телба ёшлар? Гўё ўша буваларининг набиралари, ўша оталарининг ўғиллари эмасдай булар. Оғалик бериш билан, йигитлик уриш билан бўлади, деб ўйлайди булар. Ҳурматни биладиган, кўнгилни оладиган қолмади... Оооҳ! “Ўлиб кетди беклар, пошшолар, калларга қолди гўшалар”, дер эди отам...

– Рост айтаяпсиз, уста, аммо урф-одат минг йиллардан бери давом этиб келаяпти, бўйсунмай нима қиламиз, бошқа чорамиз борми?

Баҳри уста ўз ишининг устаси, юрагининг бир томони куйган бир абдал эди. Бир шунқор мисоли кўндими торнинг тўшига, панжасидан инграган симлардан ҳазин нолалар қанотланарди. Юрагини берарди мизроб ихтиёрига, кўнглини бўшатарди бўзлак чалганда. Баҳри уста кўшиқ айтганда, лабларини қоплаган қоп-қора мўйлаблари остида дилни ўртовчи бир овоз инграрди. Чап қўли сознинг пардалари узра жон талашаётгандай бир куш сингари типирчилар, ўнг қўли олов ўрнига айланган сознинг кўксида бир парвона мисол айланар, айланар, айланарди. У созининг симларини чертганда бир жуфт турна учгандай бўларди ошиқ юраклардан...

Баҳри уста ўғли Тўфонни ҳам ҳазинлик хаширдан қорганди. Тўфон ҳали бола эди, аммо энг мунгли наволар, бир ғам селидай куйилиб келарди созидан. Биргўдакнинг онасини кучоқлагандай кучоқларди кучоғига сиғмаган созни. Баҳри уста унинг соз чалишини ғурур-ла томоша қиларкан:

– Бу тентаквойнинг мизроби бировларга ўхшамайди,– дерди.

Тўфон отаси соз чаларкан, ўргатилаётган шунқор сингари бошини эгиб кузатарди уни. Отаси жимиб қолган жойидан у бошларди. Отасидан олган фарёдни кичикинагина юрагида янги бир оловни ёндириб, туҳфа қиларди даврадагиларга...

Али Човуш:

– Мен келганларни кутиб оламан, сен ҳам тайёр тур, Бахри уста, – деб чиқиб кетди.

Чиллага кирадиган бир мурид сингари эди Бахри уста. Довдираб қолганди. Юзидаги чуқур ажинлардан қайғу аломати сезилиб турарди. Торини олиб бир чертди. Тўфоннинг кўзларига каради. Тўфон отасининг бир товуш излаётганини англади. Ўз торининг симларини таради, отасига овоз берди. Торларини бир муддат бирга чалишди, товушлар оҳангдор эди, тайёр эдилар.

Чолғу товушлари куёв уйининг эшигига келиб тўхтади. Ноғора-сурнай овозлари қўйларнинг кўзиларга қўшилганидай аралашиб кетди. Сурнайнинг чуқур жозибатор наволари юлдузлари порлаб турган осмону фалакка тараларди. Юлдузлар ҳалай* тушаётгандек эди. Ҳалайнинг бошидаги чўпон юлдузли дастрўмолини силкитиб қўшиқ бошлаб юборди:

– Сув келади жилдираб...

Келин уйининг ноғораси тинар-гинмас куёв томоннинг ноғора-сурнайи тилга кирди. Аслон ноғорасини тиззасига ётқизган, ҳалайнинг навосига мослаб юборганди. Ноғорани телба Усмоннинг оёқлари тагига эгилиб чалаётганди, таёқчасини оҳанг билан кўтариб туширарди. Ноғора, ҳалайдигиларнинг оёқлари кўтарилиб, ерга тушганча гум-гум инграр, ҳалай тушаётганларга йўл кўрсатарди.

Куда томон одамлари олдида ҳавога пуллар сочиб бақираётган телба Усмоннинг оғзида тили айланмас, нима деяётганини тушуниб бўлмасди. Ҳалайдан ажралиб, ўннга-чапга энгашиб юриб борди-да, белидаги куролини олиб, ҳавога қарата ўт очди.

Усмонни бу аҳволда кўрганларнинг андишаси янада ошганди. Ўзини тутолмасди. Бир неча қадаҳ олгач, паст тоғлар

*Ҳалай** – давра қуриб ўйнайдиган рақс

билан ҳисоб-китоб қилар, катта кетарди. Бекорчилардан бири эди, аммо отаси бадавлат, кўрпаси қалинлардан эди. Файтуннинг соясида юрар, соясининг қуюқлиги билан мақтанарди. Унинг кечкурун қилган қилиқлари эрталаб эсдан чиқарди. Усмон шундай аҳволга етгач, тантаналарни барбод қилар, кўпгина йиғинлар ҳам ўз-ўздан тарқалиб кетарди.

Тўйларнинг қадим кайвониси Мухожир қизи пиширган овқатларини ёқтирмай тўнтариб юборганига, янгидан қозон курдириб овқат пиширтирганига гувоҳ бўлганди неча бор.

Усмоннинг рўпарасида кўриб тўнғиллай бошлади у.

– Ўлимдан ҳам тап тортмайди бу бузғинчи! Тоғ тоғаси, қуён амакиси бунинг. Ҳар куда томон бошига етади. Калхусайнлар бунга қайси томондан аралашади, ажабо? Садағангиз кетай, мени кечиришлар. Шунга кўрдим дегунча жин отига минаман. Бўйинг ер ютгурга куч-қувват ҳам етмайди энди...

Меҳмонлар куёвнинг қўшқанот дарвозасидан кириши билан қўлини осмонга кўтарди Усмон. Битта пул ирғитиб бақирди:

– Қудалар келди, хой! Дастурхонни тўлдириб ясатинглар! Агар бирорта оғайнимнинг афти буришса, дабдала қиламан бу ерларни! Ҳўтиги йўқолган эшак каби ҳангратаман барчангизни. Камчилик бўлмасин дейман!

Сурнайнинг овозида мардона оҳанг янграр, ноғора тинимсиз гумбуларди... Телба Усмон қўллари билан ишора қилиб ноғора-сурнай овозини ўчирди. Орқасидаги ёшларга бақирди:

– Биз келмадикми, йигитлар!

Ёшлар бир овоздан Усмонга жавоб қайтаришди:

– Ҳеееей! Ҳеей!

Телба Усмон қўлини ҳаводан туширар-туширмас ноғора-сурнай янада авжига чиққан пайтда овозлари бирдан ўчди. Аслоннинг қўлидаги таёғи Усмоннинг наъраси билан ҳавода қотиб қолди.

– Ноғорани буёққа олиб келинлар!

Ноғорачи Аслоннинг таёқча ушлаган қўли елкасидан синганди гўё. Бошига нелар келишини биларди. Оғир бир юкнинг тагида тургандек эзилди. Кўзларини қисиб Усмонга қаради ва ёлворган бир товушда:

– Оғам, нон топадиган ноғора – бу, кулингиз бўлай, ёрманг ноғорани! – дея олди.

– Обке, бола, ноғорани! – дея бўқирди Усмон.

Ноғора Аслоннинг елкасида, таёкча тентак Усмоннинг қўлида эди. Усмон душманга ураётгандай ноғорага ура бошлади. Бироз олдин ноғорадан чиқаётган оҳангдор овоз ўрнини тушуниб бўлмас, қулоқларни тирновчи куруқ гулдираган товуш эгаллади. Аслон кўзларини қисган, афти алам билан бўзариб кетганди. Усмон ноғорани эмас, Аслоннинг кўксини калтаклаётгандей эди. У таёкча ўзига урилаётгандек азоб чекарди.

Тўйбоши Али Човуш Аслоннинг жон оғриғини ҳис этганди. Оломоннинг ичига кирди. Усмоннинг қўлига ёпишди:

– Мард Усмоним, сен оғасан, оға одам ноғора чаладимми? Эртага эл, халқ: Усмон абдалликни ҳавас қилиб қолибди демайдими? Қўй, Аслон чалсин, садағанг кетай,–деди.

Усмон унча-мунча гапга кўнадиган эмасди, бир ишора билан сурнай товушини ўчирди ва бармоғини ҳавога кўтарди:

– Ноғорачи ноғоранинг устида ўйнаши керак, ўйнасин!–деди ва бақирди: – Ноғорачига қошиқ беринглар.

Кейин бошини кўтариб, кўзларини сурнайчи Акрамга қадади. Бир каклик каби писиб қолди Акрам. Телба Усмон сурнайчининг ёқасидан олиб торгди:

– Қани, сен ҳам чал-чи “боди сабо”ни...

Аслон чорасиз ноғорасини ерга қўйди ва сурнайнинг бу жонли оҳангида ноғоранинг устига чиқди. Болажонини босиб олган каби ташвишда эди. Қоя устида ўтирган какликдек эҳтиёткорона ноғора устида ўйнай бошлади. Ноғорага зарар етказмаслик учун нафасини ичига ютар, қўлларини тепага кўтариб, бўшлиққа осилаётгандайди гўё. Ноғоранинг териси бироз муддатдан кейин Аслоннинг оғирлигига чидай олмай ёрилди. Аслоннинг оёқлари ноғоранинг ёрилган чармидан бир ўлик мисоли овозсиз ётган ноғоранинг бўш қасқонига кириб қолди.

Ёрилган ноғора эмас, Аслоннинг юраги эди.

Сурнайнинг овозини ҳам ўчирди телба Усмон. Худди зафар қозонгандек гердайди. Ердаги ноғорага бир тепки уриб, орқасидагиларга мақтанди:

– Қуда томондан келганлар мана шундай бўлади. Юринглар, кўрайлик қани, ичкарида нима бор.

Телба Усмон бир неча қадам ташлагач, сийрак тишларини тўла кўрсатиб:

– Дастурхон ясатилдими? – деб бақирди.

Тўйбоши қудағайларга ёзилган дастурхонни кўрсатиб:

– Марҳамат, киринглар, – деди.

Оёғида зўрға турибди телба Усмон, аммо буюришни тарк этмасди. Қуда томондан келганларнинг ҳаммаси жўжаҳўрозлар, ҳаммаси маст эди. Ақли етадиган, Усмонни бебошлиқдан қайтарадиган эсли, хушли одам йўқ эди ичкарида. Куёв томони хизматчилари қудалар гуруҳи лак деса гўшт, лук деса сув етказиб туришарди.

Али Човуш тез-тез хизматчилар ёнига бориб: “тилингизга эҳтиёт бўлинглар, чиданглар, болалар” дерди.

Қудалар гуруҳи олдиндан ясатиб қўйилган столларга жойлашишди. Қатор бошида ўтирган телба Усмон бақирди:

– Бошласин фасил, ичайлик усул-усул.* Нафис созлар қани, келсин нафис созлар! Бу оламда бизни менсийдиганлар қолмадими?

Баҳри уста орқасида Тўфон билан келди. Қўлини кўксига қўйиб салом берди меҳмонларга.

– Оёғингиз туробиман, оғам, кўнглингизнинг хизматчисиман. Оға бирор нарса дейди-ю, абдал бажармайдими? Эрталабгача сизга хизматда бўлиб, жонимни қурбон қилишга тайёрман. Фармон бер, қурбонинг бўлай, азамат Усмоним, – деди.

Баҳри уста ва Тўфон Усмоннинг икки томонига ўтиришди. Усмон гапира олмас, имо-ишора қиларди, холос. Бўзлак – халқ

*усул-усул** – *аста-аста*



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1994> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1994> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1994>